

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тариҳий, илмий ва оммабоп журнал

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Сандов

академик Анатолий Сагдуллаев

академик Дијором Юсупова

Сирожиддин Саййид

проф. Абдураҳим Эркаев

проф. Қаҳрамон Ражабов

проф. Юлдуз Эргашева

проф. Баҳодир Эшов

филол.ф.д. Нафас Шодмонов

Тўлқин Ҳайит

т.ф.д. Г.Мўминова

проф. Шокир Раффоров

филол.ф.д. Ҳўжамурод Жабборов

филол.ф.д. Дамин Тўраев

т.ф.д. Акрам Ҳасанов

проф. Камолиддин Фаниев

т.ф.н.доц. Матгуба Тўраева

т.ф.д. Фахриддин Раҳмонов

т.ф.ф.д. Раъно Тўхтаева

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва аҳборот

бошқармасида 2012 йил 12 марта

14-076 раҳами билан рӯйхатга олинган.

Журнал йилда 4 маротаба чоп этилади.

Журналдан кўчирма олинганда манба

қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,

2-йй. Телефон: 91.466-80-32

Теришга 16.01.2024 йилда берилди.

Босинга 29.02.2024 йилда руҳсат

етилди. 06.03.2024 йилда босилди.

Биғими 70x100 1/16.15.04 босма табоқ.

Адади 30 нусха. Буюртма №59

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-йй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2024 йил №2 сон (55)



2024 йил «Ёшлар ва бизнесни
қўллаб-қувватлаш йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.

2010 йилдан чоп этилади.



TADQIQOT

Boltaboyev Muxammadjon Axmadjon o'g'li. SOVET HOKIMIYATINING DASTLABKI YILLARIDA VAQF MULKLARINING AHVOLI	4
Jurayev Husniddin Pazliddinovich. BUXORO AMIRLIGIDA SOLIQ SIYOSATI..	10
Murodova Sadoqat Qo'ziboyevna. O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARDA BAXSHICHILIK SAN'ATINI RIVOJLANISHI.....	15
J.R.K.Togaymurodov, O'ZBEKISTON SHAROITIDA DINIY BAG'RIKENGLIKNI MUSTAHKAMLASH IMKONIYATLARI.....	18
Maxmanova Moҳира. MUSTAQILLIK YILLARIDA MUSIQA TA'LIMI TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR VA YANGILANISHLAR.....	25
Bo'riyeva Sanobar Farhod qizi. XORIJY TIL O'QITISHDA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR VA ULARNING OLDINI OLISH UCHUN QO'LLANILADIGAN METODLAR.....	31
Timirova Shirin Shavkatovna. AHOLI VA YOSHLARNING TOZA ATROF-MUHITDA YASHASH HUQUQINING UMUMIY TASNIFI.....	35
Nargiza Alimova. TURKISTON SOLIQ TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI (XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARI).....	40
Feruza MALLAYEVA. QASHQADARYODA NEFT VA GAZ SANOATINING SHAKLLANISHI TARIXI.....	44
Abdullaev Ravshanjan. ALISHER NAVOIY ASARLARINING MAZMUN-MOHİYATI VA O'QUVCHILARNING MA'NAVIY KAMOLOTIDAGI O'RNI..	54
Aminov X.A., TEMURIYLARDAN SHAYBONIYLARGA O'TISH DAVRIDA YARATILGAN FIQHIY ASARLAR.....	60
Azizov Fayoz. BAROKKO DAVRI MUSIQA USLUBI.....	66
Týpaeb Ahvap. BUXORO TURKMENLARI MILLIY TAOMLARINING O'ZIGA XOSLIGI.....	73
Ergashev Suxrob. MAKTAB VA MADRASALAR TARIXSHUNOSLIGI (XX ASR BOSHLARI MISOLIDA).....	80
Karimov B.BUXORO AMIRLIGI DAVRIDA QARSHI SHAHRI IQTISODIYOTINING YETAKCHI TARMOQLARI.....	85
Mahmadaminov Mirqosim. EXPLORING CONDITIONALS IN DISCOURSE: FROM ALTERNATIVE MENTAL SPACES TO LINGUISTIC CHOICES....	88
Mamatova Mavluda. TARIX DARSALARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	95
Zavqiddin Buriyev. ROSSIYA IMPERIYASI DAVRIDA KASPIYORTI VILOYATI AHOLISINING IJTIMOIY, MA'NAVIY - MADANIY HAYOTIDA SODIR BO'LGAN O'ZGARISHLAR.....	100
A.Nasimov, G.T.Rasulova. MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONNING JANUBIY VOHALARI ETNOGRAFIYASIGA DOIR MASALALARINING SURXON VOHASI TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN YORITILISHI....	108
Mahmaniyozov O`g'abek. OLIY TA'LIM TIZIMIDA HAMKORLIK ALOQALARI.....	113
O'tkirov Abdulazizbek. YEVROPA MAMLAKATLARIDA XAYRIYA FAOLIYATINING YARALISH TARIXI (GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASI MISOLIDA).....	120
Ro'ziyeva Dilshoda. MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA ODAM SAVDOSINI OLDINI OLISHGA QARATILGAN DAVLAT SIYOSATI.....	126
Samadova Nargiza. ILK O'RTA ASRLAR SHAHARSOZLIGI, SO'G'D MISOLIDA.....	130
Sherxon QORAYEV. XORAZMLIK SHOIR XONLAR SULOLASI TARIXI (XIVA HUKMDORI SAYYID MUHAMMAD BAHODIRXONNING 12 NAFAR SHOIR ZURRIYODI IJODI MISOLIDA).....	133
Temirova Feruza. IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA QASHQADARYO XOTIN-QIZLARINING SANOAT KORXONALARIDAGI FAOLIYATI.....	149



Tilabjonova Sevinch. PEDAGOGIK AMALIYOTNI O'TKAZISHDA INTERFAOL METODLARNING AHAMIYATI.....	153
Xasanova Zulhumor. 1916 YILDA JIZZAXDA RO'Y BERGAN QO'ZG'OLON, SABAB VA OQIBATI.....	158
Xolikulov Pirnafas. TA'LIM ISLOHOTLARI: BOG'CHA TA'LIMI YANGI BOSQICHDA.....	162
Zokirova Muhabbat. YANGI MEHNAT QONUNCHILIGIDA AYOLLAR MEHNATINI HUQUQIY JIHATDAN TARTIBGA SOLISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	174
Абдуллаев Ўкташ. O'ZBEKİSTONDA OLİY MA'LUMOTLI PEDAGOG KADRLAR TAYYORLASH TİZİMİNING YO'LGA QO'YILISHI (XX asrning 20-30 yillari).....	179
Абдуматов Алишер. O'ZBEKİSTONDA OLİY MA'LUMOTLI PEDAGOG KADRLAR TAYYORLASH TİZİMİNING YO'LGA QO'YILISHI (XX asrning 20-30 yillari).....	183
Алиназарова Диляора. FARG'ONA VODİYSIDA VAQTЛИ MATBUOTNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI-XX ASRNING 80 YILLARI).....	188
Бабаярова Шахноза. BUXORO XONI ABDULLAXON II NING KARMANA SHAHRI TARIXIDA TUTGAN O'RNI.....	198
Р. Қаршиев, М. Раматов. "BOBURNOMA"DA YER YUZI SAYQALI - SAMARQAND TASNIFI.....	203
Камол Ҳазраткулов. HAM TABIB VA SAYYOH, HAM OLIM VA SHOIR EDI.....	208
Каримова Дилафўз. QADIMGI XORAZM HUDUDIDAGI DASHT CHORVADOR QABIЛALARNING MODDIY MADANIYATI.....	216
Лола Азимова, LIRIK MISRALARDA DINIY G'OYALARNING BADIY TALQINI (XVII-XVIII ASRLAR MISOLIDA).....	223
Қаҳрамон Ражабов, O'ZBEKİSTON AHLISI MILLIY TARKIBINING XX ASRDA O'ZGARISHI HAMDA O'ZBEKLAR MIQDORI.....	227
Ramatov Murat. NAVOIY VILOYATINING TURIZM SOHASIDAGI O'ZIGA XOS YO'NALISHLARI.....	245
Сагдуллаева Фарангиз. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ ПРАКТИЧЕСКИХ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ.....	249
Самаров Фахридин. SURXONDARYO VILOYATIDAGI TARIXIY-ME'MORIY OBIDLARINI QAYTA TIKLASH VA TA'MIRLASH JARAYONLARI.....	255
Нематулло Насруллаев. UBAYDULLOH IBN MAS'UD SADRUSH SHARI'ANING "TA'DILUL ULUM" ASARI HAQIDA.....	260
Сафарова Зилола. ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ БИБЛИОТЕК УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВЕЛИКОЙ ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ.....	266
Усманова Хулкар. "SALOTI MAS'UDIY"NING O'ZBEKİSTON FONDLARIDAGI QO'LYOZMA VA TOSHBOSMA MANBALARI.....	274
Хонқулов Шавкатжон. O'ZBEK TEATRINI RIVOJIDA HAMZA HAKIMZODANI O'RNI.....	281
Шарипов Азизжон. MIRZO BOBUR NOMI BILAN BOG'LIQ AYRIM TOPONIMIK MA'LUMOTLAR.....	286
Шаропова Нигора. ИЗМЕНЕНИЯ В СФЕРЕ ОБЩЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ.....	296
Йұмаева Шолпа. ZIYORAT MAROSIMLARI VA URF-ODATLARIGA GLOBAL JARAYONLAR TA'SIRI: O'ZGARISHLAR VA YANGILANISHLAR.....	301
Әгамбердиева Г.А. QASHQADARYO VILOYATIDA 2018-2019 YILLAR DOI'RASIDA QABUL QILINGAN MEYORIY HUJJATLAR ASOSIDA TURIZMNI RIVOJLANISHI.....	305
Үроқова Н.С. YANGI O'ZBEKİSTON SHAROITIDA TA'LIM ISLOHOTLARI.....	312



QASHQADARYO VILOYATIDA 2018- 2019 YILLAR DOIRASIDA QABUL QILINGAN MEYORIY HUJJATLAR ASOSIDA TURIZMNI RIVOJLANISHI

Эгамбердиева Г.А.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Калит сўзлар: фармон, қарор, туризм, инфратузилма, миңтақа, туристик оқим

Ҳозирги дунёда глобаллашув жараёнлари инсониятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётининг барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан алоҳида давлатлар иқтисодиёти ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган туризмнинг жаҳон миқёсида ривожланиши айниқса долзарбdir. Шу муносабат билан Халқаро туризм этикаси қўмитаси иқтисодиётга туризм тармогининг тарихий билимларни сақлаш ва оммалаштиришга имкон берувчи янги йўналишларини жорий этишга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларидан бирига айланди. Бу борада мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, уни диверсификация қилиш ва ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Республика туризм ривожида Қашқадарё замини ўзининг бой тарихи, қадими осори-атиқалари, ўтмиш ёдгорликлари билан муҳим ўрин тутиши [1], Шаҳрисабз, Китоб, Яккабог, Дехқонобод туманларидаги ажойиб шаршаралар, яшил водийлар, Қамаши, Қарши, Гузор туманидаги муқаддас қадамжолар, Нишон, Миришкор ва Муборакдаги обод бўлаётган чўл-у биёбонлар, қум барханлари, саксовулзорлар, аждодларимизнинг буюк ва бетакрор маданияти ҳақида сўзловчи зиёратгоҳлар, сардобалар хорижлик сайдёхларни жалб этишда муҳим аҳамияти кўрсатиб берилган [2].

Қашқадарё вилоятида 2018-2019-йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режасига кўра 167 та лойиҳа амалга оширилди [3], кўплаб меъерий хужжатлар қабул қилинди. Уларда тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш, тармоқни ахборот технологиялари билан таъминлаш кўзда тутилганлиги тадқиқотда ўз аксини топган. Шу жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7



августдаги "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 631-сонли қарорига асосан:

Қашқадарё вилоятида 2018 йилга қадар жами 41 та меҳмон уйлари ташкил этилган бўлиб, кун сайин уларнинг сони ортиб бормоқда. Улардан Қарши шаҳрида 4 та, Шаҳрисабз шаҳрида 33 та, Китоб туманида 2 та, Шаҳрисабз туманида 1 та ҳамда Чироқчи туманида 1 та меҳмон уйлари фаолият олиб бориши мөқдада.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябридаги "Давлат ўрмон хўжалиги органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ўрмон хўжаликларининг чегара ҳудудлари табиий ресурсларидан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 717-сонли қарорига асосан:

Вилоятда жами 8 та ўрмон хўжалиги ҳамда 1 та Жовуз қўриқхонаси мавжуд бўлиб, улардан хозирги кунга қадар 4 тасида илмий текширув ва тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жорий йил 1-3 август кунлари Китоб туманида I Халқаро Геотуристик форум ўтказилган бўлиб, ушбу форум доирасида Жовуз қўриқхонасига ГЕОПАРК унвони берилиши кутилмоқда ва бу ташабbus ЮНЕСКО томонилан қўллаб қувватланилмоқда. 16-19 ноябрь кунлари Юнеско вакиллари томонидан Жовуз қўриқхонаси ўрганиб чиқилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 954-сонли қарорига асосан:

Вилоятда жами 26 та бўш турган ер участкалари меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига ажратилган.

Асосан Қарши шаҳрида 5 та, Китоб туманида 6 та, Косон туманида 3 та, Яккабог тумани 3 та, Нишон туманида 2 та, Муборак туманида 2 та, Қарши туманида 1 та, Касби туманида 1 та, Дехқонобод туманида 1 та, Шаҳрисабз туманида 1 та ҳамда Миришкор туманида 1 тадан ер участкалари тадбиркорларга ажратилган [4].

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 деқабрдаги "Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" ги 978-сонли қарорига асосан:

Вазирлар Маҳкамасининг 978-сонли қарорининг 1-иловасига Қашқадарё вилоятидан жами 3 та сув омбор киритилган бўлиб, улардан Шаҳрисабз тумани Хисорак сув омборидан 3 га, Яккабог тумани Қизилсув сув омборидан 1 га ҳамда Гузор тумани Пачкамар сув омборидан 0.5 га ер ажратилган бўлиб, ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантиш мақсадида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда, хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар (инвесторлар) қидирилмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги



"Туризм тармогини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-4095-сонли қарорига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сонли Қарорига асосан 2019-2021 йилларда вилоятда 18 та меҳмонхона қуриш учун инвестицион лойиҳалар рўйхати шакллантирилди, булардан 10 таси 3 ва 4* меҳмонхона синфига мансуб. 2000га яқин қўшимча хоналар ва 410 та қўшимча иш ўрин ташкил этилади. Китоб туманида 1 та 40 ўринли "Gissar Asia" меҳмонхонаси ишга тушди. Жорий йил сентябр ойида "Тараққиёт" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган 7 қаватдан иборат 340 ўринли ҳамда 50 та иш ўрин очилиши режалаштирилган меҳмонхона лойиҳасининг ишга тушиши кутилмоқда. Жорий йил 4chorakda "Исаева Наргиза" XК томонидан амалга оширилаётган 4 қаватдан иборат 100 ўринли ҳамда 20 та иш ўрин очилиши режалаштирилган меҳмонхона лойиҳасининг ишга тушиши кутилмоқда. Бундан ташқари жорий йил 4 chorakda "Фахриддин" XК томонидан амалга оширилаётган 4 қаватли 50 ўринли ҳамда 25 та иш ўрни очилиши режалаштирилган меҳмонхона лойиҳасининг ишга тушиши кутилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони 2-иловаси билан тасдиқланган "2019-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони 2-иловаси билан тасдиқланган "2019-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси"нинг 6-бандига мувофиқ, Республиkaning ҳар бир ҳудудидаги сайёҳлар кўп ташриф буорадиган жойлар ва маршрутларида санитар-гигиена шоҳобчаларини ташкил этиш вазифаси белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Туризм тармогини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-4095-сон Қарориниг 9-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига намунавий, шу жумладан тармоқли лойиҳалар асосида замонавий санитар-гигиеник шаҳобчаларни қуриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер майдонларини электрон аукционга қўйимасдан олиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосига кўра устуворлик ҳуқуқи тақдим этилиши белгиланган [5].

Берилган топшириқ ижроси бўйича Қашқадарё вилоятидаги замонавий санитар-гигиеник шаҳобчалар қуриш бўйича тадбиркорлик субъектларига тавсия этиладиган 54 та (3.859 m²) ер майдонлар ажратилди шундан:

Қарши шаҳрида - 10, Шаҳрисабз шаҳрида - 4, Косон туманида - 4, Муборак тумани - 3, Чироқчи туманида - 4, Миришкор туманида - 2, Қамаши тумани - 2, Қарши туман - 4, Китоб тумани - 3, Деҳқонобод тумани - 3, Шаҳрисабз тумани - 4, Якқабог туманида - 2, Касби туманида

- 4, Нишон туманида - 5 та санитар-гигиена шахобчалари қурилган. Ушбу маълумотлардан келиб чиққан холда 2 та тадбиркор мурожаати бўйича 15 та замонавий санитар-гигиена шахобчаси қурилиши режалаштирилган [6].

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартағи "Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 198-сонли қарорига асосан:

Вилоятнинг туристик салоҳияти миллий маданияти, миллий кийимлари, уйинлари ва урф одатлари тўғрисида 7 та видеороликлар тайёрланди.

4-9 январ кунлари "ZO'R TV" телеканалининг "Сирли Ўзбекистон" курсатувининг Қашқадарё вилояти туристик салоҳияти тўғрисидаги сони суръатта олинди. 29-30 январ кунлари "MY5" телеканалининг "Хўш кўрдик" курсатувининг Қашқадарё вилояти Китоб ва Косон туманлари туристик салоҳияти тўғрисидаги сони суръатта олинди. 8-9 феврал кунлари Шаҳрисабз шаҳрида биринчи "Info-Tour" бўлиб ўтди. Тадбирда 40 дан ортиқ туристик ташкилотлар, 20 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари вакиллари, инвесторлар ва блогерлар иштирок этилди. Тавфисилотлар оммавий ахборот воситалари орқали 30 га яқин мақолаларда чоп этилди, 10 дан ошиқ кўрсатув, эшиттириш ва чиқишиларда намойиш этилди. Матбуот хизмати томонидан ҳар бир маълумот рус, инглиз, араб, италиян ва немис тилларида таржима қилиниб интернет орқали бутун дунёга ёритиб берилди ва хозирги кунга қадар ушбу маълумотларни миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчилари кузатдилар. 21-22 март кунлари "II Халқаро Миллий либослар фестивали"ни ёритиш мақсадида Қирғизистоннинг "Ынтымак TV", Ўзбекистоннинг "MY5", "ZO'R TV", "DUNYO BO'YLAB", "Madaniyat va ma'rifat", "O'zbekiston 24" телеканаллари томонидан 10 дан ошиқ кўрсатувлар тайёрланди. 16-апрель куни Россиянинг "РенТВ" канали ижодкорлари Шаҳрисабз шаҳрида суръатта олиш ишларини амалга ошириди. 20-прель Ҳиндистоннинг "Emmy Entertainment" канали ижодкорлари Шаҳрисабз шаҳрида суръатта олиш ишларини амалга ошириди. 6-12 май кунлари "Sevimli" ва "BBC" телевидениялари ҳамкорликда "Катта Лангар қуръони" ҳақида хужжатли фильм суръатта олинди. 11-15 май кунлари "Dunyo bo'ylab" телеканали билан ҳамкорликда Варганза, Ҳазрати Башир, Гелон, Сувтушар, Сарчашма, қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари тўғрисида "Тавсилот", "Бориб Кўрамиз" (3 та сон) кўрсатувлари тасвирга олинди. 16-22 май кунлари "Sevimli" ва "BBC" телевидениялари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартағи 198-сон "Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўрсатилган Варганза, Ҳазрати Башир, Гелон, Сувтушар, қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглик станцияси, "Сийпантонш" ёдгорлиги ва унинг атрофида туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суръатта олинди [7].

13-июн куни Қозогистоннинг "KazakTV" канали ижодкорлари Шаҳрисабз шаҳрида суръатта олиш ишларини амалга ошириди. 14-июн куни Эроннинг "Channal 1" канали ижодкорлари Шаҳрисабз шаҳрида



суръатга олиш ишларини амалга ошириди. Вилоятда 30 дан ортиқ туристик инвестицион лойиҳалар бўлиб, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистонни чет элдаги элчихоналари Буюк Британия, Польша ва Эрон тдавлатлари элчилари ҳамда Ташқи савдо ва Инвестиция бошқармаси билан ҳамкорликда инвесторларга тарғибот этилмоқда. Туристик салоҳиятни тарғиб этувчи тарғибот материаллари тайёрланиб меҳмонхоналар ва ахборот марказларига бепул тақдим этилмоқда. 27-31-июнь кунлари Китоб туманидаги Варганза, Ҳазрати Башир, Шахрисабз туманидаги Гilon, Кўл, Сувтушар, Сарчашма, Яккабог туманидаги Татар, Зармаст ва Вари қишлоқларида "Оилавий меҳмон уйи"лари ташкил этиладиган ва ташкил этилган хонадон вакилларини туристларга хизмат кўрсатишга тайёрлаш, маҳаллий аҳоли вакилларини экскурсия, гид ва йўриқчи-кузатувчи сифатида тайёрлаш учун бепул маҳсус ўқув-амалий курсларини ташкил этди. Ўқув-семинарларда 139 та ҳонадон вакиллари "Оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш" курсида иштирок этди. Хонадон вакилларидан 43 та фуқарога "Экскурсия, гид ва йўриқчи-кузатувчilar тайёрлаш" курслари ташкил этилди. Умумий ўқув-семинарлардан ташқари, хонадонларда индивидуал амалий сабоқлар ҳам олиб борилди. Вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғибот қилиш мақсадида бугунги кунгача 30 яқин маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборотвоситалари ходимлари иштирокида тасвирга олиш ишлари амалга оширилди. Бунда ҳар бир туман туристик салоҳияти инобатта олиниб кўрсатувлар тайёрланди [8].

Шу жумладан, вилоятда 1 043 та археологик, 208 та меморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал жами 1 321 та моддий-мадданий мерос обьектлари обьектлари, 50 та жойлаштириш воситалари (2646 ўрин), 100 тадан ортиқ миллий ва европа таомлари тайёрлайдиган ресторон ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 18 та туроператорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан биргалиқда, 17 та туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, 43 та ҳамроҳ-таржимонлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоятга жами 1,4 млн туристлар ташриф буорган бўлиб, шундан 62,7 минг нафари хорижий сайёҳларни ташкил этади. Хорижлик сайёҳлар сони икки баробарга ошган.

Маълумот учун: Сайёҳларнинг асосий қисми Европа (46,4% - Италия, Франция, Германия, Испания, Буюк Британия), қўшни мамлакатлар 27,4%, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари 12,6%.

II. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш, тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича 2018 йилда амалга оширилган ишлар.

Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 11 ойида 183 млрд.сўмлик 54 та лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 810 ўринга эга бўлган 11 та жойлаштириш воситалари, 21 та ресторанлар ва кафелар, 4 та туроператорлик субъектлари ташкил қилинди. 13 та туристик классдаги автобус ва микроавтобуслар, 4 та электромобиллар олиб келинди. Автотранспорт воситалари, сигвейлар ва велосипедларни ижарага бериш

йўлга қўйилди.

2018 йилда Тошкент шаҳридан Шаҳрисабз шаҳригача тез юар (Афросиёб) поездни қатнови йўлга қўйилди. Қарши халқаро аэропортини "Очиқ Осмон" тизимида ишлаши учун самарали ишлар амалга оширилди.

Қарши халқаро аэропорти, Шаҳрисабз темир йўл вокзали,

"Шаҳрисабз шаҳри тарихий маркази" ҳудудлари туристик мажмуаларида бепул "Wi-Fi" зоналари, туристик ахборот марказлари, сайёҳлар учун маҳсус симкарталар сотиш ташкил этилди, 9 та миллий ва хорижий валюталарда пул айирбошлиш шаҳобчалари (банкоматлар) ўрнатилди.

Вилоят ва Шаҳрисабз шаҳрининг туристик хариталари, туристик буклет, флаер ва китобчалар ишлаб чиқилиб, ахборот марказлари орқали бепул тарқатилиши йўлга қўйилди. Туристик салоҳиятини кенг реклама қилиш мақсадида 50 дан хорижий оммавий ахборот воситалари жалб қилиниб, тарғибот ишлари олиб борилди. Республика ҳудудларида вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилувчи 100 та тарғибот-реклама баннерлари ўрнатилди.

Сайёҳларни жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида 2018 йилда:

- Амир Темур таваллудининг жорий йилда 682 йиллик юбилейини нишонлаш ва ҳар йили анъанавий шаклда ўтказиб бориш таъминланди ва жорий йилнинг 9 апрелида "Халқаро пресс клуб" билан ҳамкорлиқда тантанали равищда нишонланди.
- 21-22 марта кунлари Шаҳрисабз шаҳрида "Халқаро Миллий лиboslar фестивали" ўтказилди ва ушбу фестиваль хар йили "Наврӯз" байрами кунларида нишонланиши белгилаб қўйилди.
- Июнь ойида Шаҳрисабз туманида "Ҳисор тоглари" экофестивалини;
- Йил давомида Шаҳрисабз шаҳри "Оқ сарой" мажмуасида фольклор-этнографик ҳамда театрлаштирилган томошалари ўтказиб борилди;
- 6-10 сентябр кунлари Шаҳрисабз шаҳрида "Халқаро мақом санъати анжумани". Анжуман доирасида ҳунармандлар фестивали, фольклор гуруҳлар конкурслари юқори даражада ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Қашқадарё вилоятини ривожлантириш мақсадида 2018-2019-йилларда қабул қилинган туризм соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ушбу ҳудудда туризмнинг ҳар хил турлари, хусусан, экотуризм, зиёраттуризм, саргузашт туризмини ривожлантириш имконини берди. Шунингдек, Шаҳрисабз ва Қашқадарё вилоятининг бошқа шаҳарларида ўтказилган фестиваллар сайёҳлар оқимини ошириб, бутун вилоят иқтисодиётини ҳар томонлама юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Фойдаланган адабиетлар

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат расмий ахборот манбай ва мамлакатдаги етакчи ахборот агентлиги "Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ Тарагай қишлоғи тогли туризм масканига айланади", 03.03.2021 <https://uza.uz/uz/posts/sohibqiron-amir-temur-bilan-bogliq-taragay-qishlogi->



togli-turizm-maskaniga-aylanadi_245976

2. Қодиров Л.Х., Равшанов Д.С., Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари "Барқарор рақобатбардош туристик ҳудудларни шакллантиришнинг устувор йўналишлари: инновацион бошқарув, хориж тажрибаси ва ривожлантириш стратегиялари". Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2018 йил 14 декабр: - Бухоро : Sadiddin Salim Buxoriy" Durdona нашриёти, 2018.- 424 б.

3. Қашқадарё вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси жорий архив фонди материаллари. 2019 йил июль.

4. Jo'rayeva S. N. O'zbekistonning janubiy hududidagi ziyoratgohlar tarixi va ularning mahalliy aholi hayotida tutgan o'mi. - Avtoref T.f.d. - Toshkent, 2022.- 43b.

5. Ҳалқ сўзи газетаси, 2018 йил 20 июн

6. Қонунлар ва фармонлар мазмун моҳияти ҳақида батафсил: <https://lex.uz/docs/4474527>, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами (More about the essence of the content of laws and decrees: <https://lex.uz/docs/4474527>, Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan). - Тошкент, 2018f2019. 31-сон. 782-модда.

7. Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида тезислар (Theses on the existing tourist potential of Kashkadarya region and priorities for the development of the industry) // Information of the Department of Cultural Heritage of Kashkadarya region. ? Қарши шаҳри, 2021 йил 19 марта

8. Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар// Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти ? Қарши шаҳри, 2019 йил 19 марта.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантиришга қаратилган асосий фармон ва қарорлари уларнинг ижроси ҳақида сўз боради. Мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида вилоятда туризм соҳасини яхшилаш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилганини ўргандик.

Аннотация: В данной статье рассмотрены основные указы и постановления Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиева направленные на развитие туризма в Кашкадарьинской области и их реализация. Изучены какие меры были предприняты для улучшения туристической сферы в регионе на основе данных нормативно правовых документов.

Abstract: This article discusses the main decrees and resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev aimed at developing tourism in the Kashkadarya region and their implementation. We studied what measures were taken to improve the tourism sector in the region based on these regulatory documents.



YANGI O'ZBEKISTON SHAROITIDA TA'LIM ISLOHOTLARI

Ўроқова Н.С.
Қарши давлат университети

Калитли сўзлар: таълим, ислоҳот, қарор, фармон, олий таълим, глобаллашув, нодавлат таълим ташкилоти, мактабгача таълим, мактаб таълими, концепция, Учинчи Ренессанс, Янги Ўзбекистон.

Янги Ўзбекистон шароитида барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама дунёқарашини кенгайтириш, билимини бойитиш ва бугунги замонавий илм-фан чўққиларини забт этишлари учун барча шароитлар етарли.

Сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим тизимида ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирлар мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим йўналишларининг барчасида ислоҳотлар самарадорлиги изчилик билан йўлга қўйилмоқда.

Демак, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидан бошланиши бугунги кунда ушбу соҳага алоҳида эътибор берилаётганлигидан дарак беради. Бугунги глобаллашув жараёнида болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти бекиёс ҳисобланади. Мазкур соҳага бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида "Мактабгача таълим ва тарбия тўгрисида"ги Қонунни келтиришиз мумкин. Мазкур Қонунда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт ичида республикамизда боғчалар сони 3 баробарга ошиб, болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан қарийб 60 фоизга етгани ҳам амалий ҳаракатларнинг натижасидир. Таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.